

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРУЛЛАЕВ ФАРРУХ ГАЙБУЛЛОЕВИЧ

**МУСИҚА ТАЪЛИМИДА БУХОРО ФОЛЬКЛОР ҚЎШИҚЛАРИНИ
ЎРГАТИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК ХУСУСИЯТЛАРИ
(5-7 -СИНФЛАР МИСОЛИДА)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (музиқа)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

УДК: 37.091.33:78(575.146)

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси авторефератининг мундарижаси

Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on pedagogical sciences

Нуруллаев Фаррух Гайбуллоевич

Мусиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатишнинг илмий-методик
хусусиятлари (5-7 синфлар мисолида).....3

Нуруллаев Фаррух Гайбуллоевич

Научно-методические особенности обучения Бухарских фольклорных песен при
музыкальном образовании (на примере 5-7 классов)21

Nurullaev Farrux Gaybulloevich

Scientific and methodological features of teaching Bukhara folk songs in music education
(for example 5-7 grades)41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works45

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НУРУЛЛАЕВ ФАРРУХ ГАЙБУЛЛОЕВИЧ

**МУСИҚА ТАЪЛИМИДА БУХОРО ФОЛЬКЛОР ҚЎШИҚЛАРИНИ
ЎРГАТИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК ХУСУСИЯТЛАРИ
(5-7 -СИНФЛАР МИСОЛИДА)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (музикा)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Ped724
рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Бухоро давлат университетининг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мадримов Баҳром Худойназарович
педагогика фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Махмудов Мелс Ҳасанович
педагогика фанлари доктори, профессор

Мустафаев Шомурод Нормўминович
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университетити

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Ped.72.04
рақамили илмий кенгашнинг 20 __ йил «__» _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади.
(Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-йй. Тел.: (+99865221-29-14; факс:
(+99865221-29-14, email: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш
мумкин (____ раками билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси,
11-йй. Тел.: (+99865221-29-14).

Диссертация автореферати 20 __ йил «__» _____ куни тарқатилди.

(20 __ йил «__» _____ даги __ -рақамли реестр баённомаси).

С.К.Қаххоров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.Атоева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, п.ф.ф.д.(PhD), доцент

Х.О.Жўраев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д.(DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда мусиқий оҳангни англаш, мусиқий асарлар мазмунини тушуниш шахс эстетик ҳис-туйғуларини тарбиялаш, ижтимоий борлиққа нисбатан масъулиятли ёндашув қўникмаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, маданий мерос хазинасидан бири милий мусиқа бўлиб, у ҳалқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунликда, миллий маданият намуналари билан бир қаторда авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, миллий мусиқа таълими тараққиётнинг ўта муҳим омили бўлиб, миллий тарбия тизимининг амалга оширилишида ҳамда таълим жараёнининг самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Дунёning ривожланган мамлакатларида миллий мафкура, миллий рух, маданият ва қадриятларнинг хазинаси, ўқувчида миллий, ижодий, мустақил тафаккурни шакллантирувчи, ривожлантирувчи, ифодаловчи ҳамда бошқа фанларни мукаммал, пухта ўзлаштирилишига асос бўлувчи мусиқа таълимини инновацион илғор педагогик технологиялар асосида текшириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, фольклор қўшиқларини ўргатиш воситасида ўқувчиларни маънавий жиҳатдан тарбиялаш, мусиқий таълимда дидактик имкониятларни интенсификация асосида ёритишга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислоҳотлар шароитида замонавий мусиқа таълими ҳалқаро таълим стандартлари асосида ўқувчиларнинг мусиқий саводхонлигини ривожлантириш, мусиқа таълимининг сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқотларга эътибор берилмоқда. “Ўқитиш усулларини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш, ўқувчида кичик ёшдан таълим олишга соғлом, кучли ва таъсирчан мотивацияни шакллантириш зарур”¹. Жумладан, Бухоро фольклор қўшиқларидаги ўзаро уйғунлашган сўз ва оҳангнинг таъсир кучи, тарбиявий имконияти бекиёс бўлиб, мусиқий анъаналарнинг мазмунини чуқур ўрганиш, уларнинг имкониятларидан таълим-тарбия, шу жумладан, ўқувчиларни тарбиялаш жараёнида самарали фойдаланиш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқенини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 5 сентябрдаги

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳалқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. – Манба:<https://lex.uz/docs/4312785>

ПҚ-3931-сон “Халқ таълими тизимиға бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон мусиқа таълимида вокал, хор, опера, балет, эстрада, симфоник оркестрлар ижроилиги бош йўналишда тараққий этди. Жумладан, жаҳон мусиқашунослигида мусиқа ва эстетик тарбияга бағишланган илмий тадқиқотлар О.А.Апраксина, Л.Г.Арчажникова, Л.Г.Кобаль, В.И.Муцмажер, Г.М.Ципин, Г.В.Яковлева кабиларнинг изланишларида ўз аксини топди².

Рус мусиқашунослигида фольклор қўшиқларини ўргатишнинг илмий-методик хусусиятлари С.К. Аннамуратова, М.Ф.Беляева, А. Вытлецева, О.М. Томсинская кабиларининг илмий изланишлари алоҳида эътирофга лойиқ³.

Ўзбек мумтоз мусиқий мероси, фольклор қўшиқларининг тарихи, назарияси, хусусиятлари юзасидан Р.С.Абдуллаев, С.Бегматов, Т.Визго, О.Ибрагимов, Ф.М.Кароматов, И.Ражабов, Т.В.Фофурбеков, Ж.Қобулниёзов каби олимлар тадқиқот ишларини амалга оширган⁴.

Кейинги йилларда республикамизда бир нечта илмий тадқиқотлар амалга оширилди. Хусусан, Д.А.Жамолованинг “Шарқ мусиқий-поэтик анъаналари ёрдамида ўқувчиларни мусиқий тарбиялаш самарадорлигини

² Апраксина О.А. Методика музыкального воспитания в школе. М.: Просвещение, 1983.-222с: Апраксина О.А. Рекомендации по эстетическому воспитанию в восьмилетней школе. Петрозаводск, 1964. — 66с: Арчажникова Л.Г. Профессия учитель музыки: Книга для учителя. - М. Просвещение, 1984, 111с: Кобаль Л.Г. Формирование эстетических оценок у подростков. Автореф. ...дис.канд.пед.наук. -Киев.: 1975. -18 с: Формирование профессионально значимых качеств личности будущего учителя музыки / В. И. Муцмажер; Науч. редактор А. И. Николаева; Моск. гос. пед. ин-т им. В. И. Ленина. - М.: МГПИ, 1988 (1989). – 62 с.; Учителя музыки – Подготовка Личность - Формирование в педагогических институтах FB 2 89-20/252: Цыпин Г.М. Человек. Талант. Труд. Музыкант в современном мире. Кн. для учителя. М.: Просвещение, 1992. - 240 с:

³ Аннамуратова С.К. Педагогические основы художественно-эстетического воспитания старшеклассников во внеклассной работе. Автореф. ... дис.доктора пед.наук. -Т.: 1991. -34 с: Беляев, Виктор Михайлович. О музыкальном фольклоре и древней письменности [Текст] : Статьи и заметки : Доклады / [Послесл. И. Травиной]. - Москва : Сов. композитор, 1971. - 234 с., 1 л. портр. : нот. ил.; 22 см: Вытлецева А.: Изд. Ленинградского Университета, 1990. -82 с: Томсинская О.М. Методы музыкального певческого воспитания и динамика некоторых биометрических показателей при пении в подростково – молодежных хорах. Автореф. ...дис.канд.пед.наук. -М.: 1981. -19 с.

⁴ Абдуллаев Р.С. Жанр катта ашула и его носители. Дис.на соискание ученой степени канд. искусствоведения. -Т.: 1982. -149 с: Бегматов С.М. Фаргона водийси ҳофизлик анъаналари. Санъатшунослик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация. -Т.:1995.-121 б.: Иброҳимов О.А. Макомлар семантикаси. Санъатшунослик доктори илмий даражасига дъявогарлик диссертацияси. - Т.: 1998. -257 б:

ошириш”, Б.М.Кароматованинг “Ўрта Шарқ мутаффаккурларининг мусиқий-педагогик меросидан мактаб ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш”, Ф.М.Нажмитдиновнинг “Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлари мусиқа педагогика факультетлари талабаларида касбга қизиқиши шакллантириш” бўйича олиб борилган изланишлари бунга мисол бўла олади. Шунингдек, С.Нишонованинг “Шарқ Уйғониши даври педагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси”, М.Б. Қосимованинг “Мусиқий-қўшиқ фольклори воситасида талаба ёшларни эстетик тарбиялаш”га оид тадқиқотида мусиқа ва адабиётнинг тарбиявий аҳамияти хусусида фикр юритилади. Мусиқа фольклори намуналарини тўплаш, нашр этиш борасида Б.Матёкубов, С.Рўзимбоев, Р.Юнусовлар ўзларининг илмий тадқиқотларида Хоразм фольклори намуналари ҳамда унинг генезисига алоҳида эътибор қаратганлар. Б.Х.Мадримов «Хоразм мусиқа фольклори воситасида ўқувчиларни эстетик тарбиялашнинг педагогик асослари” мавзусида изланиш олиб борган.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон тилшуносарининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, Бухоро фольклор қўшиқларини ижро этиш лаёқатини шакллантириш, ўқувчиларда кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, Бухоро фольклор қўшиқларини ижро этишининг методик имкониятлари масалалари монографик тарзда текширилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар» (2017–2021 й.) режасининг 2.5- банди доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: 5-7-синфлар мусиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатишнинг илмий-методик хусусиятларини педагогик шарт-шароитларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мавзуга оид илмий-методик, педагогик манбалар ҳамда муаммонинг амалиётдаги ҳолатини ўрганиш асосида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатиш тизимини аниқлаш;

мусиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатиш ўқувчиларда таянч компетенцияларни ривожлантириш тизими (когнитив, социал, шахсий, эмоционал, коммуникатив, умуммаданий) анализик тафаккурнинг ривожланганлик даражаси, қўшиқ матнларини таҳлил қилишга доир дискурсив ёндашув хусусиятларини аниқлаштириш;

5-7-синф мусиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатишга йўналтирилган моделининг таълим субъектлари фаолиятининг мақсадга йўналганлиги, инвариатив мазмунли (умуммаданий компетенциянинг тузилмаси ва педагогик шарт-шароитлар, ёндашувлар, шакл ва воситалар) ва натижавий таркибий асосларини ишлаб чиқиши;

Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатиш ўқувчиларда миллий қадриятларга бўлган ижобий муносабатни таркиб топтиришга йўналтирилган

рефлексив технологиялар вазиятли топшириқлар, гурухий мунозара, ўкув лойиҳаларини мусиқа таълимига хизмат қилувчи рефлексив технологиясини ишлаб чиқиши.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда кузатиш, сўровнома, тест, педагогик таҳлил, педагогик эксперимент, натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

5-7-синф мусиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатишнинг педагогик-психологик хусусиятлари миллий фазилатлар (бағрикенглик, миллий ғуур, миллий ифтихор, бунёдкорлик) ва акмеошаҳс хусусиятларининг амалий трансформацияси билан идентивлиги бевосита барқарорлигини таъминлаш орқали аниқлаштирилган;

мусиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатиш ўкувчиларда таянч компетенцияларни ривожлантириш тизими (когнитив, социал, шахсий, эмоционал, коммуникатив, умуммаданий) аналитик тафаккурнинг ривожланганлик даражаси, қўшиқ матнларини таҳлил қилишга доир дискурсив ёндашувнинг праксиологик имкониятининг таъсирчанлигини ошириш механизмининг интернал англанганлигини ҳисобга олиш орқали аниқлаштирилган;

5-7-синф мусиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатишга йўналтирилган моделининг таълим субъектлари фаолиятининг мақсадга йўналганлиги, инвариатив мазмунли (умуммаданий компетенциянинг тузилмаси ва педагогик шарт-шароитлар, ёндашувлар, шакл ва воситалар) ва натижавий таркибий асослари умуммаданий компетенциялар тизимининг интеграцион жиҳатлари такомиллаштирилган;

Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатиш ўкувчиларда миллий қадриятларга бўлган ижобий муносабатни таркиб топтиришга йўналтирилган рефлексив технологиялар вазиятли топшириқлар, гурухий мунозара, ўкув лойиҳаларини мусиқа таълимига вертикал ва горизонтал қўллашнинг дидактик имкониятларини интенсификациясини таъминлаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

5-7-синф мусиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатиш мезонлари ва кўрсаткичлари аниқлаштирилган;

мусиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатиш ўкувчиларда таянч компетенцияларни ривожлантиришнинг методик таъминоти такомиллаштирилган;

5-7-синф мусиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатиш ўкувчиларда умуммаданий компетентликни ривожлантириш мажмуи ишлаб чиқилган;

5-7-синф мусиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатишга доир илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, унинг ўрганилиш чегаралари аниқ белгиланиши, назарий маълумотлар ва фактик материаллар ишончли илмий-бадиий манбалардан олинганлиги, кузатиш, сўровнома, тест, педагогик таҳлил, педагогик

эксперимент, натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш усуллари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти 5-7-синф мусиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатиш ўқувчиларда мусиқий компетентликни ривожлантириш мазмуни, асосий тушунчалари, мезонлари, қўрсаткичлари ишлаб чиқилиб, ўқувчиларда мусиқий компетентликни ривожлантиришга оид назарий ёндашувлар билан бойитилганлиги, мусиқий компетентликни ривожлантиришнинг стратегик ҳаётий мақсадларни шакллантиришдаги ўрни ва аҳамиятининг ёритиб берилганлиги, ўқувчиларда мусиқий компетентликни ривожлантириш профилактикаси имкониятларининг очиб берилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан умумий ўрта таълим мактабларининг 5-7-синф мусиқа дарслари ва синфдан ташқари машғулотларда мусиқий компетентликни таъминлаш, болалар фольклор қўшиқларига оид таълим мазмунини такомиллаштириш, ўқув-услубий таъминот самарадорлигини оширишга доир илмий асосланган таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги, умумтаълим мактабларида мусиқа фанини ўқитиш жараёнида самарали фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

5-7-синф мусиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатишнинг илмий-методик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар ва тавсиялардан:

5-7-синф мусиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатишнинг педагогик-психологик хусусиятлари миллий фазилатлар (бағрикенглик, миллий ғуур, миллий ифтихор, бунёдкорлик) ва акмеошаҳс хусусиятларининг амалий трансформацияси билан идентивлиги бевосита барқарорлигини таъминлашга доир таклифлардан «Вокал ва замонавий мусиқа» ўқув кўлланмаси мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сонли буйруғи, 359-188-рақамли гувоҳнома). Натижада «Вокал ва замонавий мусиқа» туркумiga кирувчи ўқув предметларидан компетенциявий ёндашувга асосланган ўқув дастурларини амалиётга татбиқ этиш самарадорлигини оширишга эришилган;

Мусиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатиш ўқувчиларда таянч компетенцияларни ривожлантириш тизими (когнитив, социал, шахсий, эмоционал, коммуникатив, умуммаданий) аналитик тафаккурнинг ривожланганлик даражаси, қўшиқ матнларини таҳлил қилишга доир дискурсив ёндашувнинг праксиологик имкониятининг таъсирчанлигини оширишга йўналтирилган таклиф ва тавсиялардан Ф1-ХТ-1-31247 рақамли «Ўқувчиларда ўзаро дўстона муносабатларга асосланиб ҳамкорликда фаолият қўрсатиш кўникмаларини шакллантириш стратегияси» (2012-2016-й.) мавзусидаги фундаментал лойихаси доирасида белгиланган

вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йил 18 апрелдаги 89-03-1526-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларда мусиқий компетентликни ривожлантиришнинг диагностик воситаларини қўллаш самарадорлигини оширишга эришилган;

5-7-синф мусиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатишга йўналтирилган моделининг таълим субъектлари фаолиятининг мақсадга йўналганилиги, инвариатив мазмунли (умуммаданий компетенциянинг тузилмаси ва педагогик шарт-шароитлар, ёндашувлар, шакл ва воситалар) ва натижавий таркибий асослари умуммаданий компетенциялар тизимининг интеграцион жиҳатларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар «Болаларнинг мусиқий таълими» ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартағи 110-сон буйруғи, 110-123-рақамли гувоҳнома). Натижада, 5-7-синф мусиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатишнинг методик таъминотини такомиллаштиришга эришилган.

Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатиш ўқувчиларда миллий қадриятларга бўлган ижобий муносабатни таркиб топтиришга йўналтирилган рефлексив технологиялар вазиятли топшириқлар, гурухий мунозара, ўқув лойиҳаларини мусиқа таълимига вертикал ва горизонтал қўллашнинг дидактик имкониятларини интенсификациясини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар «Ўқувчиларнинг ўқув-билив имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиласидиган вазиятларни лойиҳалаш механизмлари» мавзусидаги А1-ХТ-1-19701 рақамли амалий лойиҳа доирасида яратилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2019 йил 18 апрелдаги 89-03-1526-сон маълумотномаси). Натижада, амалга оширилган илмий изланишлар жараёнида умумий ўрта таълим тизими 5-7-синф мусиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатишга оид илмий ёндашувлар ўрганилган ҳамда таҳлил қилинган, Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатишнинг методик тизими белгилаб берилган, улардан фойдаланиш йўллари ва самарадорлик даражаси аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 5 республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий-услубий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий атtestация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, 3 таси республика ва 6 таси хорижий журналда чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, ишнинг моҳиятини акс эттирувчи уч асосий боб, умумий хulosалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 123 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати асосланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, шунингдек, обьекти ва предмети аниқланган ҳамда илмий-амалий аҳамияти, натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилингандиги, тузилиши ва ҳажми масалалари ўз аксини топган.

Диссертациянинг “Музиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатишнинг методик аҳамияти” деб номланган биринчи бобида музиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатиш методик муаммо сифатида, музиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатиш мазмуни, мавжуд аҳволи методик имкониятлари илмий асосланган.

Фольклор қўшиқчилик санъати меҳнаткаш халқ ижоди. Халқ бадий-музиқий қўшиқчилик фаолиятининг таркибий қисми, халқ санъатининг бошқа турлари – драматик театр, тасвирий ва амалий санъат, раксдан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турадиган бадий-музиқий-ижровий санъатдир. Бухоро фольклор қўшиқлари халқнинг ижодий маҳсули сифатида шаклланиб, авлоддан авлодга, даврдан-даврга ўтиб истеъдодли вакиллари ижросида сайқал топиб, ўзбек халқ поэтик-музиқий ижоди кўринишини ташкил этган.

Бухоро фольклор қўшиқлари ўз хусусиятига кўра ўзбек халқининг бадий-музиқий ижоди сифатида асрлар давомида яратилган жамоанинг ижод маҳсулидир. Чунки Бухоро фольклор қўшиқлари бошқа фольклор асарлари каби бир киши томонида эмас, балки бутун бир жамоанинг ижодий тажрибаси асосида вужудга келган ва жамоа томонидан ижро этиб келинган. Иккинчи томондан эса Бухоро фольклор қўшиқларининг баъзи бирлари истеъдодли кишилар томонидан яратилиб, ўз қабиласи, уруғи одатлари, эътиқодлари, орзу-истаклари, табиат билан бўлган муносабатлари акс эттирилган. Қабила ва уруғ аъзоларига маъқул тушган шу хилдаги қўшиқлар оғиздан-оғизга ўтиб, жамоа ижодига айланган. Қўшиқлар шу тариқа жамоа орасида такомиллашиб, сайқал топиб халқнинг фольклор мулкига айланган.

Маълумки, умумий ўрта таълим мактаблари 5-7 синф музиқа маданияти дарслари ўқувчиларга ахлоқий-эстетик тарбия беришда мухим рол ўйнайди. Музиқа таълими жараёнида ўқувчилар миллий музиқа дурдоналари, жаҳон халқлари музиқа маданияти намуналари билан бир қаторда ўзбек халқ қўшиқлари ҳамда фольклор қўшиқларини тинглаб, куйлаб, баҳраманд бўлишлари керак. Шу нуқтаи назардан, музиқа маданияти дарсларида Бухоро фольклор музиқаси намуналарини ўргатиш асосида ўқувчиларга маънавий-ахлоқий, эстетик тарбия беришнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш, муаммоларни аниқлаш, мактаб амалиётида фольклор қўшиқларидан фойдаланиш аҳволини таҳлил этиб, натижаларини илмий асослаб бериш ишлари назарда тутилди.

Музиқа маданияти дарсида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатиш асосида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий, эстетик тарбиялаш ишларини

ўрганиш бўйича режа ишлаб чиқилди. Мактаб ўқитувчиларининг маънавий-ахлоқий ва эстетик тарбияга оид фикр ва мулоҳазаларини аниқлаш ҳамда умумлаштириш каби ишлар алоҳида эътиборда бўлди.

Биринчи навбатда, мусиқа маданияти дарсида халқ оғзаки ижодиёти, айниқса, Бухоро фольклор қўшиқларидан ўқувчиларни маънавий-ахлоқий, эстетик тарбиялашда қай даржада фойдаланилаётганлиги, бу борада амалга ошириб келинаётган реал ишлар, қўлланилаётган шакл ва усуллар билан танишиш, ўрганиш, таҳлил қилиш, мактабларда мусиқа маданияти фанидан дарс бериб келаётган ўқитувчиларнинг Бухоро фольклор қўшиқлари ҳақидаги тасаввури, билиш даражаси, уларни ижро этиш маҳорати, ўқувчиларга ўргатиб келаётган шарт-шароитлари ва мазмун-моҳиятини тушунтириб бериш маҳорати, ўз фикрларини ўзаро қиёслаб, масалага эстетик тарбия нуқтаи назаридан ёндашиш бўйича мавжуд ҳолатини аниқлашга ҳаракат қилдик. Даставвал, 5-7-синф мусиқа дарсликлари мазмун-моҳиятини таҳлил қилдик. Хулосалар шундан иборат бўлди, 5-синф мусиқа дарслигига ўқувчиларга ўзбек халқ чолғулари оркестри, хор санъати, симфоник оркестр, мусиқада вокал-симфоник жанрлари, саҳнавий мусиқа асарлари – балет ва рақс санъати, мусиқали драма ва комедия, болалар учун мусиқали эртак-томушалар, опера санъати ва ўзбек мусиқасида опера жанри бўйича назарий ва амалий билим бериш назарда тутилган.

Ўқувчиларнинг ҳам фольклор қўшиқлари ҳақидаги тушунчасини аниқлаш мақсадида уларга қўйидаги саволлар билан мурожаат қилдик:

1. “Фольклор қўшиқлари” тушунчасини қандай изоҳлайсиз?
2. Қайси фольклор қўшиқлар номини биласиз?
3. Қайси фольклор қўшиқларини ижро этгансиз?
4. Ижро этган фольклор қўшиғингиз сизга қай даражада ёқимли бўлган?

5. Мусиқа таълимида фольклор қўшиқларини ўргатишда ўқитувчингиз қандай усуллардан фойдаланади?

6. Бухоро фольклор қўшиқлари ҳақида нималарни биласиз?

Сўровнома жами 393 нафар ўқувчига тарқатилди ва жавоб олинди.

“Фольклор қўшиқлари” тушунчасини қандай изоҳлайсиз? саволига 131 нафар (33,3%) ўқувчи, “Фольклор қўшиқлари халқимизнинг қадимги қадриятларидан бири” эканлигини, 139 нафар (35,4 %) ўқувчи эса миллий тарбия берувчи воситалардан бири эканлигини билдирган. 123 нафар (31,3%) ўқувчи саволга тушунча бера олмаслигини ёзган. Бу кўрсаткич 5-синфдан 31 нафар (7,9 %), 6-синфдан 60 нафар (15,3 %), 7-синфдан 32 нафар (8,1 %) ўқувчи жавобида ўз ифодасини топган (1-жадвал).

Қайси фольклор қўшиқлар номини биласиз? саволига 252 нафар (64,1%) ўқувчи асосан мактаб дарсликларига киритилган “Бойчечак”, “Читти-гул”, “Лайлак келди, ёз бўлди”, “Офтоб чиқди оламга” каби қўшиқлар номини ёзган. 77 нафар (19,6%) ўқувчи “Хўп ҳайда”, “Томдан тараша тушди”, “Рамазон”, “Суст хотин” қўшиқларини мисол келтирган. 34 нафар (8,7 %) ўқувчи “Алла” қўшиқларини, 30 нафар (7,6 %) ўқувчи эса Бухорода болалар томонидан куйланадиган “Ҳа дўrsa – дўrsa, дўrsa”,

“Жизир-жизир жаз меҳурем”, “Оҳ дина-дина, динашба” каби қўшиқлар номини ёзган.

1-жадвал

Мусиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатишнинг мавжуд ахволини ўрганиш бўйича ўтказилган сўровнома иштирок этган ўқувчилар сони

Вилоятлар	5-синф	6-синф	7-синф	Жами
Бухоро	38	59	34	131
Самарқанд	34	36	33	103
Навоий	39	42	-	81
Қашқадарё	25	28	25	78
Жами	136	165	92	393

Сўровномага берилган жавоблар таҳлили қуидаги натижаларни кўрсатди:

“Қайси фольклор қўшиқларини ижро этгансиз?” саволига 142 нафар (36,3 %) ўқувчи “Бойчечак”, “Читти-гул”ни, 131 нафар (33,3 %) ўқувчи “Офтоб чиқди оламга”, “Рамазон”ни, 32 нафар (8,1 %) қиз ўқувчилар “Алла”ни, 25 нафар (6,4%) ўқувчи “Ҳа дўрса – дўрса, дўрса”, “Жизир-жизир жаз меҳурем” қўшиқларини куйлаганини маълум қилган. Қолган 63 нафар (16,0 %) ўқувчи эса қўшиқ куйлай олмаслигини важ қилиб кўрсатган.

“Ижро этган фольклор қўшиғингиз сизга қай дараҷада ёқимли бўлган?” саволига ўқувчилар - “қўшиқ мазмуни яхши”, “мусиқаси ёқимли”, “қўшиқни куйлаб туриб рақсга тушиш мумкин”, “жуда чиройли оҳанда ижро этилиши”лиги мен учун жуда ёқимли бўлган, деб жавоб ёзган. 32,3 % ўқувчи аниқ фикр айтмаган.

Мусиқа таълимида фольклор қўшиқларини ўргатишда ўқитувчининг қандай усуллардан фойдаланади? саволига аксарият ўқувчи мусиқа маданияти дарсида ўқитувчи томонидан қўлланилган усуллардан келиб чиқиб жавоб ёзган. Масалан, “Балиқ склети” усулидан 45 нафар (11,5 %), МР-3 усулидан 31 нафар (7,9%), “Занжир” усулидан 37 нафар (9,4 %), Кластер усулидан 65 нафар (16,5%), Аудио-видиодан 49 нафар (12,5 %) шунингдек, турли усуллардан фойдаланади деб 166 нафар (42,2 %), ўқувчи фикр билдирган.

“Бухоро фольклор қўшиқлари ҳақида нималарни биласиз?” саволига берилган жавобларда жуда кўп чалкашликлар бўлган. Жуда кўпчилик ўқувчи Бухоро фольклор қўшиқлари ҳақида деярли ижобий фикр билдира олмаган. Улар, асосан, Шашмақом, мумтоз мусиқа асарлари ҳақида фикр билдирган. Шунингдек, дарслардан бўш пайтда кўчада ўйнаган айрим ўйинларини мисол келтирган. Лекин эътиборли томонларидан бири шундаки, айрим ўқувчилар “Бухоро фольклор қўшиқлари халқимизнинг миллий мероси эканлиги, уларни дарсда, шунингдек, мусиқа тўгараклари жараёнида ўрганиш “кераклигини қайд этган.

“Мусиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатиш методикаси” деб номланган иккинчи бобда фольклор қўшиқларини танлаб олишга қўйиладиган методик талаблар, мусиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатиш тизимини лойихалаш хусусида фикр юритилади.

5-7-синф ўқувчилар табиатига хос турли нарсаларга қизиқувчанлик, ўз навбатида, фольклор қўшиқларини куйлашга бўлган қизиқувчанигини инкор этмайди, балки бу жараёнлар бир-бирига боғлиқ ҳолда кечгандагина ижобий натижа беради. Бу ёшдаги болалар ҳаётга мустақил назар солишга интилувчан бўладилар. Улар ҳаётдаги ҳар бир воқеа ва ҳодисани ижтимоий-ахлоқий меъёрларни аниқлашга, ундан ўзларига сабоқ чиқаришга ҳаракат қиласидар. Шу жараёнда уларга фуқаролик туйғулари теранлашиб, такомиллашиб боради. Жамият ва Ватан олдидағи бурч ҳамда масъулиятларни аниқлаш истаги уйғона бошлайди. Бунда уларга турли мазмундаги мусиқа асарлари ўзгача таъсир кўрсатади. Шу таъсир чукурлашгани сайин болалар мусиқа санъати жанрларидан баҳраманд бўлиш, мусиқани касб сифатида танлашни хоҳлаб қоладилар. Халқимизнинг миллий мероси бўлмиш фольклор қўшиқларига эса қизиқиш билан қарайдилар, уларни мусиқа жўрлигида куйлаш ҳаракатида бўладилар.

Мусиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини танлаб олишга кўйиладиган методик талаблар ўқувчиларни фольклор қўшиқлари воситасида эстетик тарбиялаш бўйича бир қанча мақсадларни кўзда тутади.



1-расм. Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатиш жараёнини лойиҳалаш босқичлари

Бизнингча, фольклор қўшиқлари намунасини танлашга жиддий ёндашган ҳолда биринчи навбатда, ўқувчиларнинг ёши, психологик-физиологик хусусиятлари, қўшиқнининг бадиий-музиқий жиҳатдан тузилмаси инобатга олиниши керак.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб айтмоқчимизки, Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатиш жараёнининг ҳар бир босқичда амалга оширилаётган вазифалар ўртасида муайян изчиллик мавжуд бўлиб, у фольклор қўшиқларига оид мусиқий таълим жараёнини самарали ташкил этиш имконини беради (1-расм).

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни фольклор қўшиқлари воситасида эстетик тарбиялашга йўналтирилган мусиқа дарслари ўқувчиларни санъатга жалб қилишнинг энг қулай ва оммавий шакли бўлди. Шунинг учун ҳам ўзимиз тузган дастур ва қўлланмаларни кўпгина педагогика умумий ўрта таълим мактаблари ва педагогика коллежларида эстетик тарбия билан машғул, ҳаваскорлик дарслари раҳбарларига тарқатдик, ўзимиз қўллаган таъсирчан усул ва шакллардан фойдаланишни тавсия қилдик. Улар билан изчил алоқани йўлга қўйдик ва олиб борилаётган ишларнинг самараларини кузатиб бордик (2-расм).




2-расм. Фольклор қўшиқлари воситасида эстетик тарбияни ташкил этиш

Натижалар бизнинг дастур, қўлланма ва тавсияларимиз тадқиқотимизнинг бош мақсади йўлида юқори самарадорликка эга эканлигини тасдиқлади. Амалий фаолият юзасидан олиб борилаётган тажриба-синов машгулотлари фольклор қўшиқлари оддий тингловчиларга нисбатан ҳаваскорлик дарслари қатнашчиларига кучлироқ таъсир этишини тасдиқлади.

Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатиш жараёнини лойиҳалашда ҳар бир ҳолатнинг пухта бажарилишига эришиш мусиқий таълимнинг ҳам назарий, ҳам амалий фаолиятнинг муваффақиятини таъминлашга олиб келади. Буни 5-7-синф мусиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатишга йўналтирилган модели мисолида кўриш мумкин (3-расм).

5-7-синф мусиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатишнинг илмий-методик хусусиятлари



З-расм. 5-7-синф мусиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатишга йўналтирилган модели.

Диссертациянинг “Мусиқа таълимида Бухоро фольклор қўшиқларини ўргатиш жараёнининг самарадорлиги” деб номланган учинчи бобида фольклор қўшиқлари воситасида ўқувчиларни эстетик тарбиялашни ташкил этиш технологияси, мусиқа таълимида Бухоро

фольклор қўшиқларини ўргатишга йўналтирилган тажриба-синов ишлари натижалари ва уларнинг самарадорлигининг статистик таҳлили ва натижалари берилди.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни эстетик тарбиялашда фольклор қўшиқларидан фойдаланиш юзасидан тажриба-синов ишларидан қўзда тутилган мақсадни ижобий ҳал этиш учун унинг қўйидаги вазифалари белгилаб олинди:

1. Умумий ўрта таълим мактаблари мусиқа дарсларида фольклор қўшиқларига эътибор ва мавжуд муносабатни ўрганиш. Бу ўринда умумий ўрта таълим мактаблари мусиқа маданияти дарснинг тури, иш мазмуни, репертуари, уларга раҳбарлик қилувчи мусиқачи-педагоглар, дарс қатнашчилари ўртасида анкета-сўровларни ўтказиши, педагогик кузатув ишларини олиб бориш, сухбатлар уюштириш, тажриба-синов ишларига тайёргарлик қўриш.

2. Тажриба-синов ишларининг лойиҳаси асосида тайёрланган машғулотлар мазмуни билан мусиқа маданияти фанидан дарс берувчи ўқитувчиларни таништириш, ижобий самарадорликка эга деб фараз қилинган иш услублари, шакл ва методларини амалда қўллаш ҳамда уларнинг натижаларини таҳлил қилиб бориш.

3. Ўқувчи-ёшларни миллий-маънавий қадриятларга, шу йўсинда миллий мусиқага, хусусан, фольклор қўшиқларига, жумладан, Бухоро фольклор қўшиқларига қизиқиш ва эътиборларини кучайтириш, уларда бу борада маълум назарий ва амалий билим, тушунча ва малакаларни ҳосил қилиш.

4. Ўқувчиларни Бухоро фольклор қўшиқлари воситасида эстетик тарбиялаш борасида ўзига хос муаммоларни аниқлаб, уларни аста-секин бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш.

5. Бухоро фольклор қўшиқлари воситасида эстетик тарбияни амалга ошириш мақсадида кўзланган самарали машғулотлар, иш шакл ва усууларини такомилластириб бориш ва амалий сўров, мунозара, концерт, кўрик-танловлар, ўқувчиларнинг Бухоро фольклор қўшиқлари бўйича ижрочилик билан боғлиқ билим, малакаларига таянган ҳолда машғулотларнинг самарадорлик даражасини аниқлаш.

Олинган жавобларни таҳлил қилиб, уларни уч гурухга ажратдик.

I гурухга фольклор қўшиқларига, жумладан, Бухоро фольклор қўшиқларига қизиқиши юқори, яхши тасаввур ва тушунчага эга, уларни куйлай оладиганларни киритдик.

II гурухга фольклор қўшиқлари, жумладан, Бухоро фольклор қўшиқлари хақида умумий тасаввурга эга, уни тинглаш ва ўрганиш истагини билдирганларни киритдик.

III гурухга эса санъатнинг бу турига деярли қизиқмайдиган, қўшиқчиликнинг бошқа турига қизиқадиган ва ўрганиш истагида бўлган ўқувчиларни киритдик. Кейинги иш жараёнида биз худди мана шу жиҳатларни ёдда тутган ҳолда иш олиб бордик.

Дарслар иштирокчиларнинг санъатга ва фольклор қўшиқларига нисбатан қизиқиши ва муносабатларини аниқлашда, яъни жавобларни таҳлил қилишда уларни уч гурухга ажратдик:

I гурухга: 5-синф;

II гурухга: 6-синф;

III гурухга: 7-синф ўқувчиларини киритдик.

170 сўров варақаларига 167 ўқувчи жавоби олинди, уларнинг юқоридаги талаблар бўйича натижалари қўйдагича бўлди (2-жадвал).

2-жадвал

Ўқувчиларни Бухоро фольклор қўшиқларига қизиқиш даражалари

Синфлар	Ўқувчилар сони	Қизиқувчанлик даражалари		
		Қониқарли	Ўрта	Юқори
5-синф	45	22,2%	35,6%	42,2%
6-синф	58	25,9%	31,0%	43,1%
7-синф	64	20,6%	35,9%	43,5%
Умумий қўрсаткич	167	22,8%	34,1%	43,1%

Тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб, Бухоро фольклор қўшиқлари ҳақида ўқувчиларга ҳар томонлама билим бериш ва шу орқали миллий қўшиқчилик санъати билан чуқурроқ таништириш бўлиб, бу, ўз навбатида, узоқ давом этадиган, мақсадга йўналтирилган тарбиявий машғулотлар жараёнида юз беради. Шунинг учун олиб бориладиган ишларнинг самарадорлигини аниқлаш, ўқувчиларнинг Бухоро фольклор қўшиқлари даражасидаги ўзгаришларни қайд этиб борувчи, белгиловчи (қўйи, ўрта, юқори) мезонларни ишлаб чиқдик (3-жадвал).

3-жадвал

Ўқувчиларни фольклор қўшиқларини ўрганганлик даражаси (фольклор қўшиқларини ўрганишга муносабат мисолида тажриба-синов бошида)

Синфлар	Ўқувчилар сони	Фольклор қўшиқларини ўрганганлик ва эстетик тарбияланганлик даражаси								
		Қўйи		Ўрта		Яхши		Юқори		
